


Юридик шахслардан олинадиган ер
солиғининг маъмуриятчилиги





**Юридик шахсларнинг ер солиқларини жорий этилиши
ҳамда унинг иқтисодий моҳияти**

**Юридик шахсларнинг ер солиғи тўловчилари, солиқ объекти,
базаси ва уни аниқлаш тартиби**

**Юридик шахсларнинг ер солиғи бўйича қонунчиликда кўзда
тутилган имтиёзлар ва солиқ ставкалари**

**Юридик шахсларнинг ер солиғи ҳисоботини тақдим этиш ва
бюджетга тўлаш муддатлари**

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг хуқуқий асослари

СК XVI-бўлим 61-боб

Ўз.Р.сининг 30.04.1998 йилда қабул қилинган Ер кодексининг 28-моддасига мувофиқ Ўз.Р.сида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланиши белгиланган.


Ўз эгалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. *Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиги шаклида олинади,* унинг микдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади. Ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган шахслар ер учун ижара ҳақини *ер солиги тўловчилар* учун белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга тўлайдилар



Солиқ тўловчиilar

СК. 425-моддаси

 Юридик шахслардан олинадиган
ер солиғини тўловчиilar



Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар
бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун
солиқ тўловчи деб эътироф этилади

Ер солиғи солиш объекти

СК. 425-моддаси

Ер солиғининг солиқ солиш объекти бўлиб, қуидаги хуқуqlари асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари тушунилади



Мулк ҳуқуқи




Эгалик қилиш



Фойдаланиш



Ижара ҳуқуқи



Ўз.Р. норезидентлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилари деб эътироф этилади

Ер участкаси бир нечта шахсга ижарага берилганда

Вазиятли масала:

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 5-ҳудудда жойлашган битта бинонинг жами ер майдони 1,2га ташкил этади. Шундан, “Арена” МЧЖ 0,53га ва “Хумо” МЧЖ 0,67га ерлардан ўз эҳтиёжлари учун ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиб келинган юридик шахсларга жами бино учун йилига қанча ер солиги солиқ ҳисобланади ва тўланиши лозим?

2023 йил учун ер солиги қандай тартибда ҳисобланади



Ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун солиқ тўловчи ҳисобланади!

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 5-ҳудудда жойлашган 1га ер учун ер солиги 60 млн.сўм

Ечими:

“Арена” МЧЖ 0,53га **х** 60 млн.сўм = 31,8 млн.сўм
“Хумо” МЧЖ 0,67га **х** 60 млн.сўм = 40,2 млн.сўм

72,0 млн.сўм

Куйидаги ер участкалари солиқ солиши объекти сифатида ҳисобланмайды

СК. 426-моддаси




Нотижорат ташкилотлари томонидан нотижорат фаолияти доирасида фойдаланиладиган ерлар



Аҳоли пунктларининг, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, шахобча йўллар, суғориш тармоқлари, коллекторлар, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби умумий фойдаланишдаги ерлар)



Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар;



Аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (даражатзорлар, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар, хиёбонлар, аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун белгиланган жойлар, шунингдек ариқ тармолари эгаллаган ерлар);

Қуйидаги ер участкалари солиқ солиши объекти сифатида ҳисобланмайды

СК. 426-моддаси



Давлат қўриқхоналарининг, комплекс буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, буюртма қўриқхоналари (бундан овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма қўриқхоналар мустасно), табиий питомникларни, давлат биосфера резерватларини, миллий боғларнинг ерлари;



Соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар – тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган, профилактика ҳамда даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари;



Рекреация аҳамиятига молик ерлар – аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ер участкалари



Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектлари, хотира боғлари эгаллаган ер участкалари.

Қуидаги ер участкалари солиқ солиши объекти сифатида ҳисобланмайды


СК. 426-моддаси



Гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар



Юридик шахс балансида бўлган ва фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар



Коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (дағн этиш жойлари, майший чиқиндиларни йиғиш, қайтадан ортиш ва саралаш жойлари, шунингдек чиқиндиларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойлари). (Маҳаллий ҳокимият томонидан рўйхат тасдиқланади)



кўп квартирали уйлар ва ётоқхоналар эгаллаган ерлар, шунингдек кўп квартирали уйларга туташ ер участкалари, бундан яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкалари мустасно;



Сув фонди ерлари (Маҳаллий ҳокимият томонидан рўйхат тасдиқланади)



Захиралар, геология-кидирув ва (ёки) изланиш ишларини ўтказиш учун ажратилган ер участкалари.

Қуидагилар солиқ базасидир:



Кишлоқ хұжалигига мүлжалланмаган ерлар бүйича, солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолда, участкасининг умумий майдони



Солиқ базаси



кишлоқ хұжалигига мүлжалланған ерлар бүйича солиқ солинмайдиган ер участкалари чегириб ташланған ҳолда, ер участкаларининг қонунчилікка мувофиқ аниқланған норматив қиймати.



Солиқ тұловчи солиқ тұлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалға оширганда, **солиқ базаси солиқ солинадиган** ва **солиқ солинмайдиган** ер участкаси бүйича **алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш асосида аниқланади**. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмагандан, солиқ базаси солиқни тұлаш назарда тутилған фаолиятдан олинадиган **соф тушумнинг умумий соф тушум ҳажмидаги улушидан** келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

Ер участкалариға
бўлган мулк ҳуқуқи ва
имтиёзлар



Ер участкалариға бўлган мулк ҳуқуқи, йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, **ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан** эътиборан ҳисоблаб чиқарилади



Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ базаси ер участкаси майдони **камайтирилган ойдан эътиборан** камайтирилади



Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ вужудга келган тақдирда, солиқ базаси ушбу **ҳуқуқ вужудга келган ойдан** эътиборан камайтирилади



Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ бекор қилинган тақдирда, солиқ базаси ушбу **ҳуқуқ тугатилганидан кейинги ойдан** эътиборан ҳисоблаб чиқарилади

Ер участкасига қўшимча фойдаланиш ҳуқуқи берилганда

Вазиятли масала:

Тошкент шаҳар Учтепа тумани 5-ҳудудда жойлашган “Авесто” МЧЖнинг 0,9га ер майдони мавжуд эди. Бироқ юридик шахсга ушбу ҳудуддан қўшимча 0,3га ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи **2 май кунида** берилди қандай тартибда ер солиғи ҳисобланади?

2023 йил учун ер солиғи қандай тартибда ҳисобланади



Учтепа тумани 5-ҳудудда жойлашган 1га ер учун ер солиғи 60 млн.сўм

СК.427-моддасига асосан, ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, солиқ базаси ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан **кейинги ойдан эътиборан яъни июнь** ойидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳисботда ўзгариш бўлганда **бир ойлик муддат** ичida аниqlаштирилган солиқ ҳисботини давлат солиқ инспекциясига тақдим этади

Ечими:

Июнь ойи ҳисботида $0,3 \times 60$ млн.сўм = 18 млн.сўм фойдаланиш учун 2 майда мол-мулкка берилган ҳуқуққа нисбатан солиқ ҳисобланди.

Ер участкаси камайтирилганда

Вазиятли масала:

Самарқанд шаҳридаги “Аризона” МЧЖнинг 1,6га ер майдони мавжуд эди. Бироқ юридик шахсдан 0,9га ер участкаси 2 апрелдан камайтирилди қандай тартибда ер солиги ҳисобланади?



2023 йил учун ер солиги қандай тартибда ҳисобланади

Самарқанд шаҳар учун 1га ер учун ер солиги 62,36 млн.сўм



Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуки, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуки ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ базаси ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади **яъни апрель** ойидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳисботда ўзгариш бўлганда бир ойлик муддат ичida аниқлаштирилган солиқ ҳисботини давлат солиқ инспекциясига тақдим этади

Ечими:



Ҳисобланган солиқ $1,6 \times 62,36 \text{ млн.сўм} = 99,8 \text{ млн.сўм}$ ҳисобланган.

Апрель ойида қайта ҳисоб-китоб $0,7 \times 62,36 \text{ млн.сўм} = 43,65 \text{ млн.сўм}$ апрель ойида ҳисоб-китоб қилинади

Кайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқарувчилар (номинал қуввати 0,1 МВт ва кўпроқ) ускуналари эгаллаган ер участкалари бўйича **улар ишга туширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга** солик тўлашдан озод этилади

Куйидаги ер участкаларига солик солинмайди:

маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот объектлари эгаллаган ерлар;

спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, ўқув-машқ базалари ва болалар-соғломлаштириш оромгоҳлари эгаллаган ерлар;

шахар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари;

магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос иншоотлари эгаллаган ерлар;

ихота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар.;

сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологиялари жорий этилган ерлар - **сувни тежайдиган** суғориш технологиялари **жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга;**

ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИГИ БҮЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Күйидаги ер участкаларига солиқ солинмайды:

қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар ўзлаштир.вактдан бошлаб **беш йил муддатга**;

мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган **ерлар беш йил муддатга**;

янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дараҳтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, **беш йил муддатга**.

илемий ташкилотларнинг, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илемий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илемий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлар **солиқ тўлашдан озод қилинади**.

қишлоқ жойларда жойлашган (бундан шаҳарлар ва туманларнинг марказлари мустасно) **антенна-мачта металл конструкциялари**, шунингдек уларга ўрнатилган ҳамда уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар эгаллаган ер участкалари;

Солиқ ставкаси

СК. 429-моддаси

Кишлоқ хұжалиги учун мүлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси 2023 йил учун 1 гектар учун
мутлақ ўлчамда **Тошкент шаҳрида** қуидаги миқдорларда белгиланади

Тошкент шаҳри ҳудудлари бўйича	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси (млн сўмда)
1 - зона	242
2 - зона	193
3 - зона	149
4 - зона	99
5 – зона	50

Солиқ ставкаси

СК. 429-моддаси

Қишлоқ хұжалиғи учун мүлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси Республика ҳудудлари кесимида 2023 йил йил учун 1 гектар учун мутлақ ўлчамда **Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида** қуидаги миқдорларда белгиланади

Республика ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси (млн сўмда)
Қорақалпоғистон Республикаси	31
Андижон вилояти	39
Бухоро вилояти	32
Жиззах вилояти	32
Қашқадарё вилояти	32
Навоий вилояти	32
Наманган вилояти	39
Самарқанд вилояти	39
Сурхондарё вилояти	29
Сирдарё вилояти	24
Тошкент вилояти	33
Фарғона вилояти	33
Хоразм вилояти	32

Қишлоқ хұжалигига мулжаланимаган ер бўйича ер солиғи

Ер солиқ ставкасининг аниқ микдори қуидаги тартибда аниқланади

*Қорақалпогистон
Республикаси Жўқорги
Кенгеси ва вилоятлар халқ
депутатлари Кенгашилари*

**Туман ва шаҳар халқ
депутатлари**

туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига **0,5 дан 2,0 гача** камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилайди



худудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча **кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентларни уларнинг худудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритади

Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашилари томонидан кейинги солиқ даври учун солиқ ставкалари жорий солиқ даврининг **31 декабрига қадар қишлоқ хұжалигига мулжаланмаган ер жойлашган** жойдаги солиқ органларига тақдим этади.

Ер жойлашган жойдаги солиқ органлари ушбу солиқ ставкаларини **беш кун ичида** солиқ тўловчиларга маълумот учун етказишлари керак

Солиқ солиши (нотижорат) обьектига нисбатан солиқни ҳисобланиши

Вазиятли масала:

Хоразм вилоятининг Хива шаҳридан рўйхатдан ўтган “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, унга ҳудуддан 0,3га ер майдони ажратилган, ушбу уюшма 0,125га ер майдонидан **тижорат фаолиятида шуғулланади** ер солиги қандай ҳисобланади?

2023 йил учун ер солиги қандай тартибда ҳисобланади



Хива шаҳрида жойлашган 1га ер учун Халқ депутатлари томонидан қўлланилган коэффицент қўшган холда ер солиги 33,58 млн.сўм

Ечими:

“Тадбиркор аёл”
0,175га x 33,58 млн.сўм =

“Тадбиркор аёл”
0,125га x 33,58 млн. сўм =

Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси

5,876 млн.сўм имтиёз

Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси

4,197 млн.сўм соликка тортилади



Агар нотижорат ташкилоти тижорат мақсадида фойдаланилган ери учун 4,197 млн.сўм ер солиги ҳисобланади.

Солиқ солиши объектига нисбатан солиқни ҳисобланиши

Вазиятли масала:

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 4-ҳудудда жойлашган **8 қаватли жами** эгаллаган ер майдони **1,36га** тенг бўлган кўп квартирали уйнинг 1-қавати тураг жой бўлмаган нотурар сифатида юридик шахсга тегишли. Ушбу ер майдонига (1,36га) нисбатан 2023 йил учун юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисобланг?



Чилонзор тумани 4-ҳудудда жойлашган 1га ер учун ер солиғи 99 млн.сўм Халқ депутатлари томонидан қўлланилган коэффицент (1,04) қўшган холда ер солиғи 102,96 млн.сўм

Ечими:



Солиқ кодексининг 431-моддаси

Кўп квартирали уйларда жойлашган тураг жой бўлмаган кўчмас мулк обьектлари билан банд бўлган ер участкалари бўйича солиқ тураг жой бўлмаган кўчмас мулк обьектининг қаватлар сонига бўлинган майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Шунга кўра:

Кўчмас мулк обьекти 1,36га / 8 * 102,96 млн.сўм = 140,02 млн.сўм ер солиғи ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг ер солиғи бўйича

Хоразм вилояти Янгиариқ тумани халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

№	Маҳалла номи	2023 йил учун вилоят тасдиқлаган ставкаси	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	2023 йил учун ер солиғи ставкаси
1	Қўриқтом МФЙ	30 080	0,75	22 560,0
...				
28	Сардорлар МФЙ	30 080	0,75	22 560,0
29	Қоракўз МФЙ	30 080	0,7	21 060,0
...				
35	Улуғбек МФЙ	30 080	0,7	21 060,0
36	Янгиариқ МФЙ	30 080	0,94	28 280,0
...				
39	Урганч МФЙ	30 080	0,94	28 280,0

Масалан:

Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Улуғбек МФЙда жойлашган корхонанинг жами ер майдони 1,2 гектарни ташкил этади.

Солиқ кодекси бўйича Хоразм вилоятида 1 гектар ер учун базавий ставка 32000,0 минг сўм. Вилоят тасдиқлаган ставка бўйича 30 080,0 минг сўм ($32000,0 * 0,94$ коэф). Туман дасдиқлаган ставка бўйича 21060,0 минг сўм сўм = ($30080,0 * 0,7$ коэф).

Шунга қўра ушибу корхона 2021 йилда қўйидаги миқдорда ер солиги тўлайди:

$$1,2 \text{ гектар} * 21060,0 = 25\ 272,0 \text{ сўм ер солиги}$$

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларга нисбатан солиқ ҳисоблаш механизми

Вазиятли масала:

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида “Plus+” МЧЖнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасининг умумий ер майдони 1,14 га ташкил этади. Ушбу жамиятга қанча микдорда ер солиғи ҳисобланади? Ушбу жамият айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси ҳисобланади!

2023 йил учун ер солиғи қандай тартибда ҳисобланади



Ангрен шаҳар учун ер солиғи ставкаси 1га 46,2 млн.сўм

Ечими:

Жами ер майдони 1,14га x 46,2 млн.сўм = 52,7 млн.сўм

Айланмадан олинадиган солиқ тўловчи 52,7 млн.сўм / 4 = 13,16 млн.сўм

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича

Вазиятли масала:

Навои вилоятининг Кармана туманидаги “Анвар” фермер хўжалигининг 12,6га қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдони мавжуд ушбу фермер хўжалиги бир йилда қанча миқдорда ер солиги ҳисоблаб тўлаши лозим?



2023 йил учун ер солиги қандай тартибда ҳисобланади

Кармана тумани солик ставкасини аниқлаштирамиз. Кармана туманида ернинг норматив қиймати 1гектарига ҳар хил бўлган ерлар мавжуд. Ушбу норматив қиймат Ергеодезкадастр давлат унитар корхонаси томонидан ҳудудий солик идораларига тақдим этиб борилади

Ечими:

Жами ер майдони 12,6га учун 1 гектар учун ҳар хил норматив қийматга эга бўлган ерлар учун жами 1.355.210,76 минг сўм ернинг норматив қиймати x 0,95% =12.874.502,22 сўм (қисқартмаси ҳисбот шаклида келтирилган).

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ҳисботни тақдим этиш



Календарь йил солиқ даври ҳисобланади

Ер солиғи 1 январ ҳолатига ҳисоблаб чиқарылади ва солиқ ҳисботи ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органига қуидаги муддатларга тақдим этилади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича - **20 январига қадар;**

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича - **1 майдан кечиктирмай** тақдим этилади.



Солиқ солиш обьекти ҳисобланмайдиган ерга эга юридик шахслар жорий солиқ даврининг **20 январига қадар** мазкур ер участкалари тўғрисида маълумотномани тақдим этади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ҳисботни тақдим этиш



Солиқ базаси солиқ даври мобайнида ўзгарганда **бир ой** муддатда солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисботини тақдим этиши шарт.

Солиқ даври мобайнида қишлоқ хўжалиги экинзорлар майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берганда аниқлаштирилган солиқ ҳисботини жорий йилнинг **1** декабрига қадар тақдим этади.



Кўп квартирали уйларда жойлашган турар жой бўлмаган кўчмас мулк обьектлари билан банд бўлган ер участкалари бўйича солиқ турар жой бўлмаган кўчмас мулк обьектиning қаватлар сонига бўлинган майдонидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.



Солиқ тұлаш муддати

Тұлов муддати



Айланмадан солиқ түловчилар учун – йиллик солиқ суммасининг түртдан бир қисми мікдорида, ҳар чорак биринчи ойининг 10-кунигача



Айланмадан солиқ түловчи бүлмаган солиқ түловчилар учун – йиллик солиқ суммасининг ўн иккідан бир қисми мікдорида, ҳар ойининг 10 кунигача



Солиқ даври давомида солиқ тұлашнинг белгиланған муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганды, ушбу суммани тұлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан үттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади



Қишлоқ хұжалигига мүлжалланған ерлар учун ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи, ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар – солиқнинг қолған суммаси